



Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 13 ноябрь куни Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Россия парламенти юқори палатаси раҳбарини юрти- мизга ташрифи билан қут- лар экан, Россия билан қарор топган стратегик ше- риклик ва иттифоқчилик муносабатларининг ҳозир- ги даражаси Ўзбекистон- да юксак қадрлигини таъкидлади. 2012 йил июнь ойида Тошкентда, жорий йилнинг апрелида Москва- да бўлиб ўтган олий да- ражадаги Ўзбекистон — Россия учрашув ва музо- караларининг самарадор яқунлари, амалий натижа- лари сиёсий, савдо-сар- мовий, маданий-гумани- тар ва бошқа соҳаларда ў- з- а- ро ҳамкорлик ривожига янги суръат бахш этди.

Таъкидланганидек, пар- ламентларaro алоқалар- нинг бугунги даражаси тур- ли соҳаларда ўзарo муло- қотни фаол кенгайтириш- да муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон Олий Мажли- си ва Россия Федерал Маж- лиси юқори палаталари ўртасида 2006 йилда им- золанган ҳамкорлик тўғри- сидаги битим муносабат- ларни тизимли равишда қ- рор топтиришга хизмат қи-

либ, икки мамлакатда амал- га оширилаётган туб сиё- сий ва ижтимоий-иқтисо- дий ислохотларни қонун- чилик асосида қўллаб-қув- ватлаш борасида мунта- зам тажриба алмашиш им- кониятини яратди.

Сўхбат чоғида томонлар иқ- тисодий ҳамкорлик барқа- рор кенгайтириш, ўзарo савдо таркиби сифат жиҳатидан яхшилаш бораётганини мамнунийат билан қайд этди. Учрашувда томонларни қизиқтирган маданий-гу- манитар ҳамкорликка оид масалалар, айрим минта- қавий ва халқарo муаммо- лар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

В.Матвиенко сермазмун сўхбат, икки давлат учун долзарб бўлган масала- ларни муҳокама қилиш им- конияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига самимий миннатдорлик билдириб, Россия раҳба- рияти халқларимизнинг узoқ муддатли манфаатла- рига асосланган ҳолда Ўзбекистон билан конс- труктив ҳамкорликни яна- да ривожлантиришга тай- ёр эканини таъкидлади.

Ў.А



Ахборот олиш имкониятлари кенгайтириши

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклиги, фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошишига хизмат қилади

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан Бухоро вилоятида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синови бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент жараёнида ЎзХДП ташкилотлари, депутатлик гуруҳ- ларининг иштироки» мавзусида семинар ўтказилди.

Ҳуқуқий эксперимент

Тадбирга Олий Маж- лис Қонунчилик пала- тасидаги ЎзХДП фрак- цияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатла- ри, вилоят, туман ва ша- ҳар партия кенгашлари раислари ҳамда вилоят- даги ҳуқуқий экспери- мент субъектлари вакил- лари таклиф этилди.

Семинар бошланиши- дан олдинроқ иштирок- чилар қонун лойиҳаси меъёрлари, ҳуқуқий экс- периментнинг аҳамия- ти тўғрисида ўзарo суҳ- батга киришиб кетиш- ди:

— Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот олиш қафолати янада мустаҳкамланаяпти, — дейди Бухоро вилоят ҳо- қимлиги ахборот хизмати раҳбари Акбар Рустамов. — Айни пайтда синов- дан ўтказилаётган қо- нун лойиҳаси ҳам унинг амалий механизмини яратиши билан аҳа- миятли.

Бизнинг депутат

Одамлар ишончи

кишига куч беради, янги марралар сари руҳлантиради

У умрини шарафли касб — ўқитувчиликка бағишла- ди. Қарийб қирқ йилга яқин ёш авлодга таълим- тарбия берди. Шу билан бирга, жамоат ишларида, маҳаллада бўладиган кўплаб тадбирларда фаол иштирок этиб келади. Маҳалладошлари ташвишига елка тутди.

2

Электорат манфаати

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши

соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда Оққўрғон туманидаги «Алимкент» кўрғони қишлоқ врачлик пунктида «Соғлом авлод — юрт таянчи» мавзуида акция ўтказди.

2

«Ёш сиёсатчи»

Мақсадга етиш учун астойдил интилиш керак

●●● Партия сафига қўшилганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин қисқа муддат ичида «Истикбол» ёшлар қаноти фаолиятида иштирок этиб, сиёсий билимим- ни оширдим. Айниқса, «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови- да қатнашганим фаолиятимда катта ўзгаришларга сабаб бўлди, деб бемалол айта оламан.

Партия аъзоси бўлишимдан аввал ҳам танловнинг туман, вилоят бос- қичларини кузатиб борардим. Ёш сиёсатчи сифатида ўзини намoён этаётган билимли, фаол тенгдош- ларимга ҳавасим келарди. Бу йил мазкур танловда қатнашишга аҳд қилган эдим. Танловда депутатлик- ка муносиб номзод, кучли нотик, етакчи сифатида ўзимни кўрсати- шим керак эди. Аввал Чортоқ ту- ман, кейин Наманган вилоят босқи- чида ғолиб бўлдим. Танловнинг энг охириги босқичида ҳам биринчи ўрин- ни қўлга киритганимда ўзимни ҳа- қиқий сиёсатчилардек ҳис этганман.

Ҳозир ўйлаб кўрсам, инсон ҳеч бир муваффақиятга осонлик билан эриш- мас экан. Мен ҳам танловнинг ҳар бир босқичига жиддий тайёргарлик кўриб, анчагина изланишимга тўғри келди. Кўпгина ижтимоий-сиёсий адабиётларни ўқидим, қонунларни

ўрганиб чиқдим. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти билан чуқурроқ та- нишиш, сиёсий жараёнларни мазмун- моҳиятини теран мушоҳада қилиш учун партияимизнинг тажрибали етак- чилари, депутатлар билан учрашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинг- ладим. Танлов мен учун катта мактаб бўлди, билимларимни оширдим, ўзимга ишончим ортди.

Инсон ҳеч бир муваффақиятга осонлик билан эриш- мас экан. Мен ҳам танловнинг ҳар бир босқичига жиддий тайёргарлик кўриб, анчагина изланишимга тўғри келди. Кўпгина ижтимоий-сиёсий адабиётлар- ни ўқидим, қонунларни ўрганиб чиқдим. Партияимиз- нинг тажрибали етакчилари, депутатлар билан учра- шиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тингладим. Тан- лов мен учун катта мактаб бўлди, билимларимни оширдим, ўзимга ишончим ортди.

Мўтабар ҚОЗИЕВА, ЎзХДП «Истикбол» ёшлар қаноти Наманган вилоят бўлими етакчиси, «Ёш сиёсатчи-2013» кўрик-танлови республика босқичи ғолиби.

«ИНТЕРНЕТ

журналистика ривожига ҳисса қўшмоқчиман»

Бу — Хитойнинг Шинжон педагогика университети магистранти Шерзод Файбуллаевнинг орзуси



4

ҲАМЮРТИМИЗ

жаҳон рекордини янгилади

4

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Бандлик — устувор масала

ЎзХДП Фарғона вилоят ташки- лотлари, депутатлик гуруҳлари ёшларни, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга изчил эътибор қаратиб келмоқда



Электорат манфаатларини

самарали ҳимоя қилиш, ҳудудларни ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш ташаббусларини илгари суриш ва амалга ошириш учун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гу- руҳлари фаоллик кўрсатиши, талабчанлик билан ишлаши зарур.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,

СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палата- сидаги фракцияси ҳамкорлигида Конс- титуция кунига ба- гишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишасиз.

Ахборот олиш имконияти кенгайиши

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклиги,
фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошишига хизмат қилади

Хукукий эксперимент

Вилоятда қонун лойиҳаси синови бўйича қатор амалий ишлар олиб борилаётди. Масалан, фуқаролар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида ахборот олиш тизимини такомиллаштириш мақсадида дастлаб махсус штаб ташкил этилди. Шу орқали хукукий эксперимент бўйича амалга оширилаётган ишлар кунлик мониторинг қилиниб, субъектларга тезкор ва доимий равишда малакали мутахассислар томонидан тегишли ёрдам берилди. Хукукий тажрибани ўтказиш жараёнида электрон тизим орқали маълумотлар алмашинуви изчил йўлга қўйилди...

Шу ўринда ЎзХДП «Истикбол» ёшлар қаноти Шойфрон туман бўлими етакчиси Гулсара Раҳимова савол берди:

— Энг тезкор ва батафсил маълумот тақдим этиш манбаларидан бири расмий веб-сайтлар ҳисобланади. Қонун лойиҳасида кўрсатилган ахборотлар веб-сайтларда жойлаштирилиши барча фуқаролар, жумладан, бизнинг партиямиз электорати учун ҳам жуда муҳим. Чунки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти бўйича ах-



борот сўраб мурожаат этган фуқаро батафсил маълумот олишга интилади. Бу борада қандай ўзгаришлар бўлди, сайтлар кўпайдими, уларда керакли ахборотлар борми?

— Хукукий эксперимент бошланмасдан олдин вилоятдаги 12 та давлат органида веб-сайт бор эди, бугунги кунда 46 та субъект ўз расмий веб-сайтини яратди, — дея саволга жавоб берди Аббар Рустамов. — Барча шахар ва туманлар ҳокимликларининг веб-сайтлари bixogo.uz порталга уланди. Улар орқали фуқаролар интерактив давлат хизматларидан унумли фойдаланишлари мумкин. Агар сайтдан ўзингизни қизиқтирган бирор маълумотни топа олмасангиз, шу сайт орқали мурожаат қилиш ёки сўров йўллаш имкониятига эгасиз. Сўровлар ўрнатилган тартибда қайд этилади, ўрганилади ва албатта электрон шаклда жавоб берилди.

— Жуда тўғри айтилди, — деди бюджетдан ташқари Пенсия жағғармаси вилоят бошқармаси статистика бўлими бошлиғи Артур Икромов. — Ахборотдан фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиши қонун лойиҳаси талаблари асосида янги босқичга олиб чиқдик.

Масалан, жағғарманинг расмий веб-сайти (pfuz.uz) яратилди ва керакли маълумотлар билан тўлдириб борилаётди. Олайки, бошқарма Низоми, таркибий тузилмаси, вазифалари, қабул қилнлари, ҳудудий бўлимларининг телефон рақамлари ҳамда бошқарма бошлиғи ва бўлим бошлиқлари тўғрисидаги маълумотлар киритилди. Веб-саноҳфани такомиллаштириш, ахборот базасини янада бойитиш ишлари давом этапти. Шунингдек, бошқарманинг ахборотларини веб-сайтта жойлаштириш бўйича йўриқнома қабул қилинди ҳамда жисмоний ва юридик шахслардан келадиган сўровларни рўйхатга олиш учун алоҳида журнал очилди. Унда барча оғзаки ва ёзма сўровлар қайд этиб келинапти.

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Шарбат АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Хукукий эксперимент жараёнида унинг субъекти бўлган ташкилотлар «Давлат ҳокимияти ва бошқару-

ви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қандай ишлашини амалда синаб кўриш, шу асосда уни янада тўлдириш ҳамда ижро механизмини соддалаштириш бўйича таклифлар бериш имконига эга бўлди.

Қонун лойиҳаси қондаларини, шу жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан ахборот олишни соддалаштириш, ахборотдан фойдаланишда ОАВ, фуқаролик жамияти институтлари, аҳолининг хукук ва мажбуриятларини белгилловчи меъёрларни такомиллаш-

Дилбар ХОЛИҚОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасида сўровларга жавоб қайтариш учун белгиланган мuddат бўлди, сайтлар кўпайдими, уларда керакли ахборотлар борми?



киритиш айтилаётди. Олайки, оммавий ахборот во-

Саида Жўраева, ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Хукукий эксперимент жараёнида яна бир бор амин бўлдими, қонун лойиҳасида белгиланган меъёрларни амалга ошириш Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларини ҳаётга чуқурроқ татбиқ этиш борасида қўшимча имконият яратди. Давлат ҳокимияти органлари фаолияти очиклигини таъминлаш, ахборот хизматларини кучайтириш, расмий веб-сайтларни маълумот-

лар билан мунтазам тўлдириб бориш электоратимиз ўз хуқуқлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ ахборотларни вақтида олиш имконини беради. Тасаввур қилинг, фуқаро тегишли давлат идораларига ижтимоий химоя билан боғлиқ масалада ахборот олиш учун мурожаат қилди. Лекин ташкилот ходимлари сўровга бефарқ бўлиб, жавоб қайтармади. Бу аҳолининг ижтимоий муҳофазаси таъминланишига тўсиқ бўлибгина қолмай, кишиларнинг кайфиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Демак, қонун лойиҳаси қабул қилиниши партиямиз электора-



Акром ОРИПОВ, халқ депутатлари Қоровулбозор туман Кенгаши депутати:

— ЎзХДПнинг Сайловолди дастурида мамлакатда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг хукукий асосини ташкил этадиган давлат қарорларининг жойларда аниқ ижро этилиши юзасидан давлат бошқаруви маҳаллий органлари ходимлари масъулиятини ошириш, давлат ижтимоий дастура-

ри бажарилиши устидан парламент ва жамоатчилик назорати тизимини такомиллаштириш белгиланган.

Ҳақиқатдан ҳам, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, ҳеч қандай тўсиқларсиз ахборот олиш имконияти ЎзХДП дастурий мақсадларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, энг аввало, партиямиз электорати вакилларида қонун лойиҳасида ахборот олиш эркинлиги кенгайганини тушуниравелимиз. Натижада одамларда фаол-

Қонун лойиҳаси юзасидан билдирилган таклифлар атрофлича муҳокама этилиб, умумлаштирилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясига тақдим этилди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Хукукий эксперимент бошлангандан буён Бухоро вилоят ҳокимлигига 186 та, шахар, туман ҳокимликларига 402 та, қорхона ва ташкилотларга 1226 та, жами 1814 та сўров келиб тушган ҳамда уларга тегишли жавоблар қайтарилган. Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, айнан хукукий эксперимент тарғиботида бағишлаб вилоятдаги оммавий ахборот воситаларида 286 та материал борилган.

тириш унинг янада ҳаётлигини таъминлайди. Партиямиз фаоллари бу борадаги тарғибот ишларида фаол иштирок этиши ҳар томонлама муҳимдир. Семинар давомида билдирилган таклифлар ҳам қонун лойиҳасини маромига етказишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

ситалари томонидан берилган шундай сўровлар бўладикки, уларга жавоб бериш учун белгиланган мuddат ахборотнинг эскириб қолишига олиб келади. Шундай ҳолатларни инобатга олиб, қонун лойиҳасига тезкорликни талаб қилувчи сўровлар тушунчасини киритиш, сўровга жавоб бериш мuddатларини қайта кўриб чиқиш юзасидан таклифлар берилди.



ти манфаатларига бевосита хизмат қилади. Шунинг учун ҳам партиямиз фаоллари ва депутатлари ташаббуси билан қонун лойиҳасини такомиллаштириш мақсадида жойларда жамоатчилик муҳокамалари ўтказилмоқда.

Ортаётгани кузатилаётди. Семинарда, шунингдек, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси етакчи мутахассиси Маъмура Сафоева, вилоят Халқ таълими бошқармаси мутахассиси Фаррух Қурбонов, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Илҳом Амонов ва бошқалар сўзга чиқиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида хукукий эксперимент бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

Одамлар ишончи

кишига куч беради, янги марралар сари руҳлантиради

Бизнинг депутат

Шу боис Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоли Тохир Жумановга кўпчилик катта ишонч билдирди. Унинг номзоди халқ депутатлари Бекобод туман Кенгаши депутатлигига муносиб деб топилган эди. Ўтган даврда у депутат сифатида кўплаб ташаббус кўрсатди.

— Депутат халқ вакили, давлат ҳокимиятида ваколат асосида фаолият кўрсатади, — дейди у. — Ишонч билдирган кишилар манфаати учун доимо курашиш, шу орқали туман тараққиётига муносиб хисса қўиш депутатнинг бурчидир.

Бизнинг партиямиз жисмоний имконияти чекланган, ижтимоий химояга муҳтож инсонлар манфаатини химоя қилишнинг ўзининг устувор вазифаси, деб билади. Шундай экан, бу борадаги асосий масъулият унинг депутатлари зиммасида экан.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

нини яхши тушунамиз.

Тохир Жуманов депутатлик сўровлари орқали электорат вакиллариини ўйлантираётган ўнлаб масалаларни ҳал қилишга эришди.

2012 йил 25 июнда Бекобод тумани «Теразор» маҳалласида истиқомат қилувчи Абдували Қайюмов ўзи яшаб турган уйнинг устидан юқори қучланишли электр линиясини ўтгани боис уй-жой қуриш учун бошқа ҳудуддан ер ажратиш масаласида ёрдам сўраб Тохир Жумановга мурожаат этади.

Депутат масалани чуқур ўрганди. Мутахассислар ёрдамида вазиятни таҳлил қилди. Шундан сўнг, Бекобод туман ҳокимлигига мазкур масалани ижобий ҳал этиш юзасидан расмий мурожаат юборди. Абдували Қайюмов оиласига уй-жой қуриш учун ер ажратилди.

Кишиларни ўйлантираётган муам-

моларни юракдан ҳис қилиб, уларнинг мурожаатига ечим топиш ўз-ўзидан бўлмайдими, албатта. Бунинг учун масалани ҳар томонлама чуқур ўрганиш, муаммонинг илдиизига етиб бориш керак.

Депутат аҳолининг мурожаати асосида тумандаги «Далварзин — Қушчи» автомобиль йўли таъмирланиши юзасидан вилоят Автойўл бошқармасига сўров юборди. Мутахассислар томонидан йўлни таъмирлаш зарурати аниқланган, 9 километрлик ички йўл таъмирланди. Шунингдек, депутат ташаббуси ва сазй-ҳаракати билан Бекобод туманидаги «Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси янада яхшиланди.

— Бугунги кунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳлари ҳудудда маҳаллий дастур-

ларни амалга оширадиган асосий кучга айланмоқда, — дейди маҳалла фаоли Анавар Шодиев. — Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлик гуруҳининг амалий ишлари электорат вакиллари ҳамда сайловчилар манфаатларини химоя қилишдаги каттиқлиги шундай хулоса қилишга асос бўла олади, деб ўйлайман.

Одамлар ишончи — бу аввало, катта имконият, — дейди Тохир Жуманов. — Ўз қобилиятини намоён қилиш, жамият бошқарувида фаол иштирок этиш учун яратилган шароитдан самарали фойдаланмоқ керак. Мен депутат сифатида амалга оширган ишларимга одамлардан раҳмат эшитсам, тўғриси, хурсанд бўламан. Чунки, депутат учун одамлар ҳурматини, ишончини қозонишдан катта муқофот йўқ.

Нуралли ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши

соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда Оққўрғон туманидаги «Алимкент» кўрғони қишлоқ врачлик пунктида «Соғлом авлод — юрт таянчи» мавзусида акция ўтказди.

Унда, дастлаб, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш борасида қилинаётган ишлар, тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, қонунчиликка киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида давра суҳбати ташкил қилинди.

Электорат манфаати

— Мустақиллик йилларида юртимизда соғлиқни сақлаш тизими бутунлай янги сифат қўринишига эга бўлди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси Саидвали Аҳмедов. — Бунинг натижасида аҳоли соғлигини муҳофазасидаги катта қўшимча мустаҳкамланаяпти. Хусусан, яқинда сил касаллигининг олдини олиш ва уни даволаш жараёнларини тизимли ташкил қилиш мақсадида тегишли қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказиш бўйича тегишли дастур амалга оширилаётипти. Унга мувофиқ қишлоқ жойларида тиббий маданиятни юксалтириш бўйича тарғибот ишлари олиб боришда нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, ЎзХДП фракцияси ва жойлардаги депутатлик гуруҳлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва она-бола соғлигини сақлашга хизмат қиладиган лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

— Жамиятда тиббий маданият юксалиши аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда энг асосий омиллардан бири эканини унутмаслик керак, — дейди ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари Алишер Қандолатов. — Биз ўтказётган ҳар бир тадбир, тарғибот-ташвиқот ишларимиз оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилиши зарур.

— Ўтган йили ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тиббий маданиятни юксалтириш, оилادا соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалаларига бағишлаб давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ўтказдик, — дейди ЎзХДП Оққўрғон туман кенгаши раиси Ботир Халиқов. — Мазкур тадбирлар аҳолида катта қизиқиш уйғотмоқда ва учрашувларда уларнинг фаоллиги ортмоқда. Бу эса тарғибот ишлари амалий нати-

жа бераётганидан далолат, деб ўйлайман.

— Қишлоғимизда умумий аҳоли сони 9847 нафар, — дейди Оққўрғон тумани «Алимкент» кўрғони қишлоқ врачлик пункти мудири Раиса Паринова. — Уларга 4 нафар умумий амалиёт шифокори ҳамда кўплаб кичик тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатиб келмоқда. Шифокорларимиз даволаш-профилактика ишлари билан бир қаторда, ЎзХДП фаоллари билан ҳамкорликда соғлом оилани шакллантиришга оид тарғибот ишларида ҳам фаол иштирок этишаётири.

Давра суҳбатидан сўнг ижтимоий ёрдамга муҳтож оила аъзолари, оналар ва болалар ҳамда ногиронлар бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди ЎзХДП Тошкент вилоят кенгашининг хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш сектори мудири Фарида Қўлдошева. — Партиямиз туман кенгашидан депутатларимиз, тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда қишлоқларда қатор тадбирларни амалга оширяпти. Ушбу акция ҳам партиямиз вилоят Кенгаши режаси асосида тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилмоқда. Бугунги акцияда олий тоифали кардиолог, педиатр, маммолог, психолог, эндокринолог, окулист, терапевт, дерматолог, лор, гинеколог шифокорлар 200 дан ортиқ аёл ва 60 нафар 14 ёшгача бўлган болани тиббий кўриқдан ўтказди. Уларга керакли тиббий ёрдам, маслаҳат ва тавсиялар берилди.

— Мен ҳам тиббий кўриқдан ўтдим, — дейди Икром Бозорбоева. — Соғлигим ҳақида аниқ маълумот олишим учун республика тиббиёт муассасасига йўлланма беришди.

Шунингдек, тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев, Оққўрғон туман ҳокими ўринбосари, туман Хотин-қизлар кўмитаси раиси, ЎзХДП фаоли Гулнора Абдуназимова, «Фаол аёллар» ва «Истикбол» ёшлар қаноти аъзолари иштирок этишди.

Шундан сўнг Тошкент вилояти ва Оққўрғон туман партия кенгашларининг кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди. Унда 20 нафарга яқин фуқаронинг мурожаати тингланди. Уларни ҳал қилиш масаласини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутатлари назоратга оладиган бўлиши.

Басандобону ЖАЛИЛОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашда энг самарали институт

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши билан миллий давлатчилигимиз тарихида биринчи мартаба маҳалла конституций институт мақомига эга бўлди.



қонуни қабул қилинди.

Конституция ва қонунлари-мизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига доир асосий принциплар ва нормаларнинг мустақамлаб қўйилиши, давлатимиз томонидан маҳалла нуфузини ошириш нафақат иқтисодий, ижтимоий, балки бу сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масала сифатида баҳоланди. Бунинг натижасида маҳалла аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасидаги давлат дастурларини амалга ошириш, хусусий тadbиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан самарали жамоат назоратини таъминлаш, жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишда муҳим ўринга эга бўлган институтга айланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, жорий йилнинг 12 сентябрыда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови» тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Унга кўра, фуқаролар йиғинлари раис-

лари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайловини ўтказиш муддати 2013 йил ноябрь-декабрь ойлари эtib белгиланди. Бу сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши кутилмоқда.

Мазкур сайловларда иштирок этар эканмиз, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар кўрсатишда нимааларга аҳамият бериш керак, кимлар бу лавозимга номзод бўлиши мумкин, деган ҳақли савол турғилиши табиий. Бизнингча, бу масалага ёндашишда, авваламбор, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг маслаҳатчиси мақомининг қанчалик масъулиятли лавозим ҳамда уни фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий субъектларидан бири эканлигидан келиб чиқиб қилинган.

Чунончи, фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ҳамда раис маслаҳатчиларини маҳаллий аҳоли катта ишонч билдириб сайлайди ва бу орқали муайян маънода ўз маҳалласи тақдирини унга ишончи топширади. Бошқача айтганда, маҳалла ривож, кўп жиҳатдан оқсоқол ва

унинг маслаҳатчилари ким бўлишига боғлиқ. Бундай юксак ва шарафли ном эгаси ўзининг намунавий хулқ-атвори, ижтимоий фаоллиги, интизоми, масъулиятлиги, жамиятдаги обрў-эътибори билан ажралиб туриши лозим.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг маслаҳатчилари лавозимига ташкилотчилик қобилиятига эга, ҳалол, билимдон, тажрибали ҳамда аҳоли ўртасида муайян даражада ҳурмат ва эътиборга эга бўлган шахслар сайланиши муҳимдир. Ана шундай шахсларни аниқлаш мақсадида айрим жойларда маҳалла аҳоли ўртасида олдиндан ижтимоий сўров ўтказиш маъқул бўлади.

Номзодлар сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ масалаларини яхши билиши, янгича фикрловчи кишилар бўлмоғи даркор. Ушбу лавозимларга, фақат ёши катта кишилар эмас, балки ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ташаббускор ёшлар ҳам номзод қилиб кўрсатилиши мумкин. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган мураккаб, масъу-

лиятли вазифаларни ҳал этиш, аҳоли билан ишлашга шайлиги ва уларни ўз ортидан эргаштира олиш маҳорати номзодларнинг асосий хислати бўлмоғи лозим.

Шу билан бирга, номзодларни танлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятидаги иштирокига ва кўрсатган хизмати, республикамиз ҳамда жойларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етарлича аниқлаб етишига, ҳудудда яшовчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя эта олиш, уларнинг дардини, фикрини тинглай билиш лаёқатига эга бўлишига, миллий қадриятларни, анъаналарни тушунишига ва унга амал қилишига, юриш-туриши, ахлоқи, билими, оилавий тоғлиги жиҳатидан бошқаларга ўрнак бўла олишига эътибор берилиши мақсада мувофиқ ҳисобланади.


2013 йил ноябрь-декабрь ойларига белгиланган сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши кутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилигига муносиб шахсларни танлаш — масъулиятли иш. Мазкур лавозимларга кўрсатилган номзодлар ичидан муносиб шахсларни сайлаш эса кўп жиҳатдан мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг самараси ҳамда халқ фаровонлигининг асоси билан ҳамбарчас боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Жавлон АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдоги қонун
ҳужжатлари мониторинги
институтини бўлим бошлиғи.



Дунё бўйлаб



парвоз қилиши мумкин

Американинг «Titan AeroSpace» компанияси кўш батареясида қувват олувчи учувчисиз самолётнинг янги намунасини намойиш қилди. Шу пайтга қадар яратилган учувчисиз самолётлардан фарқи ва афзаллиги шундаки, у 18-24 минг километр баландликда узлуксиз 5 йилгача парвоз қилиши мумкин.

«Wired» нашри хабар беришича, «Solara 50» деб

номланган, 31 килогача юк кўтара оладиган мазкур самолёт 2014 йилдан қўйиб қўйилмади. У сунъий йўлдошлар бажарадиган ишларни — Ер шарини суратта олиш, радиосигналлар узатиш каби вазифаларни бажарадики, бу сунъий йўлдошларга қараганда анча арзонлиги билан фарқ қилади. Масалан, Ер юзининг 1 километр масофасини мултиспектрал суратта олиш янги аппаратда атиги 5 долларга тушади. Бу сунъий йўлдошларга нисбатан 7 баравар арзондир.

Яна бир гап. Аппаратнинг 18-24 минг километр баландликда парвоз қилиши беҳиз эмас. Атмосферанинг бу баландлигида булутлар сояси деярли мавжуд эмас. Бунинг устига кучли ҳаво оқимлари ҳам юз бермайди, шомол тезлиги эса соатига 9 километрдан ошмайди.

Смартфонлар



кўз касаллигига сабабчи

Смартфонларнинг савдога чиқарилганига 16 йил бўлди. Инсоннинг интеллектуал салоҳияти меъаси бўлиши бу теxнологиянинг кишилик жамиятига фойдаси ҳам бўлиши. Аммо унинг зарари ҳам борлигидан

кўз юмиб бўлмайди. АҚШлик окулист Дэвид Эламби ўтказган тадқиқот натижалари шундан далолат бермоқдаки, смартфонлар савдога чиқарилгандан бери узоқни кўрсатиш қасаллиги анча кенг туз олган, яъни 35 фоизга ортган. Яна 10 йилдан кейин бу рақам 50 фоизга ортиши мумкинлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Шифокорнинг «Business Standard» нашрида чоп этган мақоласида қайд этилишича, газета ва журналлар 40 сантиметр узоқликда ўқилади. Смартфонлар ёзувларини эса 18-30 сантиметр масофада ўқишга тўғри келади. Бу кўз зўриқлигини юзага келтиради.

Оқ жўхори



кони фойда

Маълумки, оқ жўхори Осиёда жуда кенг тарқалган. Бу беҳиз эмас. Унинг донидан ун қилинади. Чикиндиси, яъни кепатидан эса чорва учун ем сифатида фойдаланилади. Эндилликда бу ўсимлик турига шифокор-олимлар алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан,

парҳезшунос Ниланжана Сингх оқ жўхорининг фойдали жиҳатларини шол ва бугдой билан таққослаб, шундай хулосага келдики, оқ жўхорида кальций концентратияси бир неча баробар юқори экан. Шунингдек, оқсил, темир ва целлюлоза борасида ҳам шундай дейиш мумкин.

Парҳезшунос «The Times of India» газетаси муҳбирига берган интервьюсида қайд этилишича, оқ жўхоридаги антиоксидантлар, полифенол ва мум юрак учун ўта фойдалидир. Айниқса, унинг мумида қондаги холестерин даражасини бир неча баравар туширувчи поликазанол мавжуд.

Юрак касалликлари



муаммолигича қолмоқда

Кутилмаганда юрак-қон томир касалликлари хуруж қилиши оқибатида 26 фоиз россиялик ўлим чағалида қолмоқда. Ҳар 15 кишидан

бири қон босими ошишидан, ҳар йигирманчи одам юракнинг ишемикаси, ҳар икки юзининг одам эса саратон касаллигидан нобуд бўлмоқда.

Яқинда 11 миллион россиялик тиббий кўрикдан икки босқичда ўтказилган, унинг натижалари шундай хулосалар берди, дея хабар қилади «REGNUM» ахборот агентлиги.

Бундай тиббий текширувдан эндиликда катта ёшдагилар ҳар уч йилда, болалар эса ҳар йили ўтказиб турилади.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

САЙЛОВЛАР муқобиллик асосида ўтмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрдаги қарорига мувофиқ Қашқадарё вилоятида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бошланди.

Бу галги сайловда вилоятда 637 маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг олти минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланади. Жойларда ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тadbирни қонун талабларига мувофиқ, юксак ташкилий ҳуқуқий ҳамда демократик тамойиллар асосида ўтказишга пухта тайёргарлик қўрилди. Хусусан, Касби туманида ҳам бу жараён уюшқоқлик билан ўтмоқда.

Тумандаги «Касби» маҳалла фуқаролар йиғини раислигига 4 нафар номзод кўрсатилди ва бу фуқароларга энг муносиб номзодни саралаб, танлаб олиш имконини берди.

Номзодларнинг ҳар бири ўз фаолият дастури билан аҳолини таништирди. Бу, ўз навбатида, қайси номзодни сайлаш масаласига тўғри ёндашиш, номзоднинг фуқаролар йиғини фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ режаларидан хабардор бўлиш, раисликка сайланган тақдирда, унинг фаолиятини назорат қилиб боришга замин яратди.

Яширин овоз бериш йўли билан Эркин Пардаев маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди.

— Аҳолининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ҳудудда ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, қўшимча янги иш ўринлари яратиш, хунармандчиликни янада ривожлантириш каби ижтимоий аҳамиятга молик вазифалар сайловда дастуридан аниқ акс этган, — дейди Эркин Пардаев. — Фаолиятимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган туб ислохотларга ҳамроҳанг маҳаллада спорт-соғломлаштириш ишшооти ва болалар боғчаси қурилишига, аҳолининг тоза ичимлик суви, газ, электр энергияси билан тўлиқ таъминланишига алоҳида эътибор қаратамиз.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови вилоятнинг бошқа туманларида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Ў.БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири.

2013 йил — Обод турмуш йили

Қишлоқ уйлари

Президентимизнинг қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш қўламини кенгайтириш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоятининг чекка қишлоқларида барча қулайликларга эга намунавий лойиҳа асосида уй-жойлар барпо этиш изчил давом этмоқда.

Сўнгги икки йил давомида вилоятда 1490 та ана шундай замонавий типдаги уй-жой барпо этилиб, унга асосан ёш оилалар қўчиб кирди.

Бугунги кунда Деновдаги «Дунётепа», «Чўянчи», «Оқтом» Ангордаги

«Қумқашлоқ», «Қорасув», Жарқўрғондаги «Оқтепа», Термиз туманидаги бир қатор қишлоқларда ана шундай уй-жойлар бунёд этилмоқда.

Абди ҚОДИРОВ,
ЎЗбекистон овози» мухбири.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари, кичик бизнес субъектлари диққатига!

Фарғона вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қайта танлов савдоси эълон қилади

Объект номи:

«Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Қувасой қўчаси, вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги 3-сонли футбол мактаб-интернатининг реконструкция ишлари».

Муддати — 2 ой.

Бошланғич нархи: 602 719 763 сўм ҚҚС билан;

502 266 469 сўм ҚҚС сиз.

Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. Манзили: Фарғона шаҳар, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй, тел. (373) 244-24-33, (8595) 400-52-80.

реклама

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджети маблаглари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштирилган объектларга ўтказилган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат тақлифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Талабдор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз микдорида айланма маблагига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблагларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пуд-

ратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилад қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларини шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, (998-98)276-25-48.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Тақлифлар очилиши (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб қуни ва вақтигача қабул қилинади. Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй манзилида ўтказилади.

«Интернет журналистика ривожига хисса қўшмоқчиман»

Бу — Хитойнинг Шинжон педагогика университети магистранти Шерзод Файбуллаевнинг орзуси

Интернет-суҳбат



— Йигирма беш ёшдаман. Жиззах вилояти Зомин туманида туғилганман, — дейди у. — Мактаб даврида фан олимпиадаларида қатнашардим. Айниқса, математика, иқтисод, география, тарих ва адабиёт жону дилим эди. Кейин Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетига ўқишга кирдим. Айнан шу ерда дунё минтақалари журналистикаси тарихи ва бугунги фаолиятини ўргандим. Бундан ташқари, чет тили билан жиддий шуғулландим. Бу менга жаҳоннинг ривожланган давлатлари ҳақида тўғридан-тўғри маълумот олишга ёрдам берди.

— Хитойда ўқиш фикри қандай пайдо бўлди?

— Халқаро журналистика факультетида ҳар бир гуруҳда ўз йўналишидан келиб чиқиб, қўшимча тарз-

да бирон чет тили ҳам ўқитилди. Мен эса хитой тилини ўрганганман. Бакалавр босқичини тугатгач, магистратурада Хитойда ўқиш ҳақида ўйлаб бошладим ва ҳуж-

жатларимни Шинжон педагогика университетида топширдим. Омадим келиб, грант асосида ўқишга қабул қилиндим. Ҳозир шу университетнинг халқаро иқтисод факультети 1-курс магистрантиман. Бу ерда ўқиш билан бирга хитой тили ва маданиятини яқиндан ўрганиш, Хитой электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини кузатиб бориш, уларни таҳлил қилиш имконига эгаман.

— Шинжон университетидеги ўқув жараёни ҳақида маълумот берсангиз?

— 1-курсда асосан хитой тили чуқур ўргатилади. Ҳар кунни ўқиш, эшитиш, ёзиш ва оғзаки сўзлашиш дарсларини ўзлаштирамиз. Бундан ташқари, хитой жанг санъати — ушу, хитой ёзув санъати — шуфа, хитой шохмоти — маҳянг ва хитой миллий чолғу асбоби — хулусида куй чалиш дарслари ҳам қўйилган.

Кейинги курслардан бошлаб магистратура йўналишидан келиб чиқиб, мутахассислик фанлари қўйилди. Дарс жараёни тўлиқ инновацион технологиялар ёрдамида хитой тилида ўтилади. Университетда ўқиш-ўқитиш тизимида назорат анча кучли. Дарсларда мунтазам катнашиш, кеч қолмаслик талаб қилинади.

Университетимизда дунёнинг ўттиздан ортиқ давлатларидан келган талабалар таҳсил олади. Ўзбекистонликлар йигирмага яқин. Биз ҳар ойнинг 5-санасида, шуниингдек,

байрамларда йигилиб турамиз. Қолаверса, турли халқларнинг маданият кунлари ташкил қилиб борилади. Ўзбек маданияти кунларида эса барчамиз биргаликда халқимиз урф-одатларини кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

— 2013 йилда Ўзбекистон — Хитой алоқаларида янги давр бошланди. Хитой ОАВда бу ҳақида нималар ёзилмоқда?

— Қасбим журналист бўлганлиги учун бу ерга келганимдан буён оммавий ахборот воситаларини мунтазам кузатиб боришга ҳаракат қилиман. Ўзбекистон — Хитой муносабатларига оид бир қанча мақолаларни ўқидим. Телекўрсатувларни кўрдим. 2013 йилнинг сентябрь ойида Президентимиз Ислам Каримов таклифи билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ўзбекистонга расмий ташриф бурди. Ушбу ташриф тафсилотлари Хитой матбуотида жуда кенг ёритилди. Унда айтилишича, Ўзбекистон Хитой учун Марказий Осиёдаги энг муҳим ва ишончли стратегик ҳамкор давлат ҳисобланади.

Хитойда ўзбекистонлик талабаларга дўстона муносабатда бўлишди. Айниқса, ўзбек маданияти, урф-одатлари ва қадимий шаҳарларига қизиқиш жуда катта. Улар



бизга Ал-Бухорий, Ат-Термизий ва имом Мотуридийларнинг ватандоши эканлигини учун ҳам алоҳида эҳтиром кўрсатишди.

— Келажақдаги мақсадларингиз?

— Ўзбекистонда интернет журналистика соҳаси ривожига хисса қўшмоқчиман. Шунингдек, медиа соҳасида муассаса ташкил қилиш ва улар фаолиятини дунё миқёсига олиб чиқиш, ўзбекистонлик халқаро журналист сифатида дунёнинг ривожланган давлатларида фаолият олиб боришни мақсад қилганман. Бундан ташқари, хитой тили ва маданиятини мукаммал ўрганиб, Ўзбекистон — Хитой муносабатларини янада ривожланиши йўлида хизмат қилмоқчиман.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Темур Абсам суҳбатлашди.

Архангелъск (Россия)да халқаро баҳодирлар ўйинлари доирасида махсус рекорд ўрнатиш мусобақалари бўлиб ўтди. Унда дунёнинг Финляндия, Германия, Польша, Литва, АҚШ, Латвия, Россия сингари йигирмадан ортиқ давлатлари спортчилари ўзаро куч синашди.

Ҳамюртимиз жаҳон рекордини янгилади



Мухтарама Алиева чап ва ўнг қўлида 6 килограммдан 12 килограмм тошни уч дақиқа ичида 118 марта силтаб кўтариб, жаҳон рекордини янгилади.

— Мамлакатимизда, мен истикомат қилаётган Андижон вилоятида хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор кўрсатишмоқда, — дейди у. — Қўлга киритган ютуғимда мураббийларим Альберт Валеев ҳамда Воҳиддин Нахмидиновларнинг катта хиссалари бор. Мухтарама Алиева шу йилнинг октябр ойида Грецияда ўтказилган жаҳон чемпионати олтин медалига ҳам сазовор бўлган эди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

ЗАРАФШОНДА янги мусиқа ва санъат мактаби

Зарафшон шаҳрида мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Айтилган мактабда 300 нафарга яқин ўқувчи мусиқа ва санъат сирларини ўрганмоқда.



Уларнинг ижрочилиқ маҳорати ва ижодий қобилиятини шакллантиришда мазкур даргоҳда барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, 18 та ўқув хона мавжуд бўлиб, фортепьяно, ўзбек халқ чолғулари ва торли созлар каби чолғу асбоблар билан таъминланган. Икки юз ўринли концерт залида ўқувчилар ижросида турли концертлар ва байрам дастурлари ўтказилади.

— Мактабимизда илгари учта йўналишда машғулотлар олиб бориладиган, — дейди ўқувчилари бўйича директор ўринбосари Бехзод Қувондиқов. — Янги ўқув йилидан

бошлаб хореография, тасвирий ва амалий санъат каби йўналишлар ҳам очилди. Яқинда Италияда ўтказилган «Паола Ферраро» ёш мусиқачилар танловида ўқувчимиз Анастасия Якунина 2-ўрин соҳиби бўлди. Шунингдек, мактабимиз дуторчи қизларининг «Гулдаста» ансамбли республикада ўтказилган турли мусиқа фестивалларида муваффақиятли катнашиб келмоқда. Биз уларнинг ютуқлари билан фахрланамиз.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СОЗИМДА ВАТАН МАДҲИ

ёш санъаткор ва шоирларнинг ижодий учрашуви

Ўзбекистон миллий кутубхонасида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамда Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда чоп этилган «Созимда ватан мадҳи» номли китоб тақдироти ўтказилди.

Унда 35 нафар ёш шоирнинг ижод намуналари жамланган бўлиб, миллий кутубхона фонди ва иштирокчиларга тақдим этилди. Шунингдек, тадбирда ёш ижодкорларга ҳар томонлама қўмақ бериш, қўшиқ матнини

танлаш билан боғлиқ таклиф ва тавсиялар ҳам ўртага ташланди.

— Мазкур тадбир менда катта таассурот қолдирди, — дейди «Ниҳол» мукофоти совриндори Малика Эгамбердиева. — Кутубхонадаги

мусиқа залини катта қизиқиш билан томоша қилдим. Бу ерда шашмақомнинг 6 томи ҳам бор экан. Илгари бу китобни қаердан топишни билмасдим. Тадбирда шеър танлаш, шоирлар билан ҳамкорлик борасида билдирилган фикрлар келгусидаги ижодий фаолиятимизда асқотади, деб ўйлайман.

Альбина ЖУМАНОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мустаҳкам оила — мамлакат таянчи



Тадбир

— Оилаларда маънавий муҳитни барқарорлаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш долзарб вазифа ҳисобланади, — дейди Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори ўринбосари Хафиза Мамадалиева. — Шу йўналишдаги фаолиятимизни янада кучайтириш мақсадида марказимиз томонидан «Оилага психологик ёрдам кўрсатиш», «Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик» номли ўқув

сари Гавҳар Алимова. — Шундай экан, ҳар бир хонадондаги моддий ва маънавий масалаларни ҳал этишда бу институтнинг роли катта. Шу боис фондимизнинг бу борадаги фаолиятини янада кучайтиришга, маҳаллалар орқали оилаларга чуқур кириб боришга, уларни ўйлантираётган айрим масалаларни ижобий ҳал этишга жиддий эътибор қаратаймиз.

— Ўсиб келаётган ёш авлодни турли ёт ғоялар таъсиридан асраш, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиздир, — дейди Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази тадқиқотчиси Умида Абирова. — Мамлакатимизда бу борада барча ҳуқуқий асослар яратилган. Биргина Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурида белгиланган устувор вазифалар ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама чуқур билим олиши, касб танлаши учун қўлай шароит яратишга қаратилган. Бу мақсадларга эришишда маҳалла — оила — таълим муассасаси ҳамкорлиги ўзининг ижобий самарасини бериши, шубҳасиз.

Ферузобону НАБИЕВА,
ЎЗДЖТУ магистранти.

Ўсиб келаётган ёш авлодни турли ёт ғоялар таъсиридан асраш, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farruh HAMROEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;

Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;

Sport va vatandorlik — 233-44-55;

Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kottibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiда chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1146

10338

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21.00

Topshirilgan vaqti — 23.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433

1772010743000

1 2 3 4